

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15219312>

Эшов Хуршид Хуррамович

*Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги масъул ходими*

Бахрамов Акмал Абдулхаевич

*Ички ишлар вазирлиги Академияси
тингловчиси*

Аннотация

Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабалари ўртасида хуқуқбузарликларниң барвақт олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Шунингдек, бу соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш учун методик ёндашувларни такомиллаштириш йўллари баён этилган.

Калит сўзлар: хуқуқбузарлик, профилактика, талабалар, методика, таълим, хуқуқий онг, ижтимоий назорат.

Аннотация

В статье анализируются меры, принимаемые для профилактики правонарушений среди студентов высших учебных заведений. Также описаны проблемы в этой области и пути совершенствования методических подходов к их решению.

Ключевые слова: правонарушение, профилактика, студенты, методика, воспитание, правосознание, социальный контроль.

Abstract

This article analyzes the measures being taken to prevent crime among students of higher education institutions. It also describes the problems in this area and ways to improve methodological approaches to solving them.

Keywords: crime, prevention, students, methodology, education, legal awareness, social control.

Хуқуқбузарлик – жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи ижтимоий ходисадир. Айниқса, ёшлар, жумладан, олий таълим муассасалари

талабалари ўртасида содир этилаётган хуқуқбузарликлар жамият учун катта таҳдид ҳисобланади. Бу борада барвақт профилактика тадбирлари ва уларнинг методик асослари муҳим аҳамиятга эга.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси – бу жамиятда хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимиdir. Бу фуқароларни қонунга итоат қилишга ундаш, хуқуқий маданиятни ошириш ва жиноятчиликни камайтиришга хизмат қиласди.

1. Хуқуқбузарликларнинг сабаблари

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида хуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган омилларни қуидагича гурухлаш мумкин:

Ижтимоий-иктисодий омиллар (ишсизлик, моддий таъминот етишмаслиги);

Маънавий-ахлоқий заифлик (хуқуқий онгнинг паст даражада эканлиги);

Оилавий мухит таъсири;

Бўш вактни самарали ташкил этмаслик.

2. Хуқуқбузарликларни барвақт олдини олишдаги мавжуд муаммолар

Профилактика ишларининг тизимли ташкил этилмаганлиги;

Олийгоҳларда хуқуқий тарбия чора-тадбирларининг самарасизлиги;

Талабалар билан индивидуал ишларнинг етарли даражада ташкил этилмаслиги;

Ижтимоий шериклик (масалан, ички ишлар, маҳалла, ота-оналар) етишмаслиги.

3. Методик ёндашувларни такомиллаштириш таклифлари

А) Тарғибот-ташвиқот ишларини замонавий усулларда олиб бориш:

Медиа-контентлар (видеороликлар, ижтимоий тармоқлар орқали чиқишилар);

Симуляция ва тренинглар орқали хуқуқий ҳолатларни амалий мисолларда кўрсатиш.

Б) Талабаларни хуқуқий маданиятга эга шахс сифатида шакллантириш:

“Хуқуқий билимлар ойлиги” каби доимий равиша ташкил этиладиган тадбирлар;

Психологик ва хуқуқий маслаҳат марказларини жорий этиш.

В) Интерактив таълим методларини жорий этиш:

Дебатлар, форумлар, кейс-стади (масалани таҳлил қилиш), ролли ўйинлар.

Г) Таълим муассасаси ва маҳалла, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида хамкорликни мустаҳкамлаш:

Профилактик кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш;

Менторлик тизимини жорий қилиш (кatta ёшдаги талабалар ёрдамида назоратни кучайтириш).

Хозирги кунда жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг кўплаб шаклари кузатилмоқда. Бу каби ҳолатлар кўпинча ёшлар ўртасида, ҳуқуқий билим ва маданият етишмаслиги, ишсизлик, таълим-тарбиядаги камчиликлар, оиласвий муҳит таъсири туфайли юзага чиқади. Шу боисдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жамиятнинг барча аъзолари – давлат органлари, таълим муассасалари, оила, маҳалла ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига амалга оширилиши лозим.

Профилактиканинг асосий йўналишларидан бири – аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш, мактаб ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқшунослик фанини самарали ўқитиш, ёшларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этишдир. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан индивидуал тарзда ишлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда ички ишлар органлари томонидан олиб борилаётган профилактик сухбатлар, назорат ва манзилли иш усуллари самарали натижга беради.

Ҳар бир фуқаро қонунлар билан яхши таниш бўлиши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши, жамиятдаги қонун устуворлигига ҳурмат билан ёндашиши керак. Чунки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда энг муҳим омил – бу инсоннинг ўзининг онги ва тарбиясидир. Шунинг учун профилактиканинг самарадорлиги нафақат давлат органларига, балки ҳар бир инсонга ҳам боғлиқдир.

Олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларнинг барваqt олдини олиш – кенг қамровли, тизимли ёндашувни талаб қилувчи жараёндир. Бу жараёнда профилактиканинг методик асосларини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлардан фойдаланиш ва барча манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорликни оширади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жамиятда тинчлик ва тартибни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Ушбу жараён нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида амалга оширилиши керак. Ҳар бир фуқарода ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантириш орқали жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин. Профилактик чора-тадбирлар самарали ташкил этилса, жамиятда барқарорлик ва фаровонлик таъминланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Адолат”, сўнгти нашр.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, сўнгти таҳрир.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент, сўнгти нашр.
4. “Ҳуқуқшунослик” дарслиги / Таҳрир ҳайати: Ш. Р. Аҳмедов ва бошқалар. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2020.
5. Юлдашев Қ. Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг профилактикаси. – Тошкент: “Юрист нашриёти”, 2021.
6. Исломов И.Ф. Жамият ва ҳуқуқ: назария ва амал. – Тошкент: “Муҳаррир”, 2019.
7. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Таҳрир ҳайати: Р.Э. Саломов ва бошқалар. – Тошкент: “Adolat”, 2022.